


УДК: 330:001

 <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-2-4>

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕХНОЛОГИК ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР (ТЕХНОПАРКЛАР)НИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ВЕНЧУР КАПИТАЛИНИНГ ЎРНИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Воҳидова Мехри Ҳасановна

PhD, Тошкент давлат шарқшунослик институти
«Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон технопаркларидаги асосий муаммолар: импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришига аҳамият берилиб, экспортбон товарлар кам ишлаб чиқарилаётганлиги; технопарк фаолиятининг илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан чамбарчас боғланмаганлиги; технопарк фаолиятида венчур фондлари иштирокининг мавжуд эмаслиги ўрганилган ҳамда республикада венчур фондларини ташиқил этиши орқали ушбу муаммоларни ечиши бўйича таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: технопарк, эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ), инновация, «Яшнобод» технопарки, венчур ва инвестицион фондлар.

РОЛЬ ВЕНЧУРНОГО КАПИТАЛА В РАЗВИТИИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН (ТЕХНОПАРКОВ) УЗБЕКИСТАНА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Воҳидова Мехри Ҳасановна

PhD, преподаватель кафедры «Международные, экономические отношения»
Ташкентского государственного института востоковедения

Аннотация. В данной статье рассмотрены основные проблемы технопарков Узбекистана, которые состоят в том, что в технопарках нашей страны больше производится импортозамещающая продукция; отсутствие связи деятельности технопарка с деятельностью научно-исследовательских учреждений; отсутствие участия венчурных фондов в деятельности технопарка и были сделаны предложения по решению этих проблем путем создания венчурных фондов в республике

Ключевые слова: технопарк, свободная экономическая зона, инновации, технопарк «Яшнобод», венчурные и инвестиционные фонды.

THE ROLE OF VENTURE CAPITAL IN THE DEVELOPMENT OF TECHNOLOGICAL FREE ECONOMIC ZONES (TECHNOPARKS) IN UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Vohidova Mekhri Hasanovna

PhD, Lecturer, Chair of «International Economic Relations»
Tashkent State Institute of Oriental Studies

Annotation. This article discusses the main problems in the technopark of Uzbekistan: the technopark of our country produce more import-substituting products; lack of connection between the activities of the technology park and the activities of research institutions; lack of participation of venture funds in the activities of the technology park and proposals were made to solve these problems by creating venture funds in the country.

Key words: technopark, free economic zone, innovations, technopark «Yashnobod», venture and investment funds.

Кириш

XXI аснинг иккинчи йигирма йиллиги мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида ислохотлар даври бўлди, десак адашмаймиз. Жумладан, мамлакатимиз эркин иқтисодий ҳудудлари (ЭИХ) ҳам ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги шакллари яратилди. Худди шундай ЭИХларнинг инновацион турларидан бири технопарклардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги Яшнобод туманида инновацион технопаркни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Яшнобод» технопарки ташкил этилди.

«Яшнобод» инновацион технопарки тижорат ва нотижорат ташкилотлари ўртасида бизнес, инвестиция ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик қилиш ҳудуди ҳисобланади.

Технологик паркнинг асосий фаолияти:

- инновацион лойиҳаларни амалга оширишда тадқиқот ва ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини тижоратлаштириш учун кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- инновацияларни бошқариш ва маркетинг соҳасида тадбиркорлар ва мутахассислар учун таълимни ташкил этиш;

- юқори технологиялар ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга қаратилган илмий-техник лойиҳа ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

- қонунларга мувофиқ халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш;

- хорижий ва маҳаллий молия институтлари, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ёки тижоратлаштиришда ёрдам берувчи ташкилотлар ва йирик компанияларни жалб қилиш [6].

Аммо, биз ўйлаганимиздек, мамлакатимиз технопаркларининг жаҳон стандартлари ва хорижий мамлакатлар технопарклари фаолиятига мувофиқ бўлмаган жиҳатлари ҳам мавжуд:

- мамлакатимиз технопарклари кўпроқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратиб, ин-

новацион экспортга йўналтирилмаган (аксарият маҳсулотларнинг ички бозор талабини қондиришга йўналтирилганлиги ва рақобатбардошлигининг пастлиги);

- технопарк фаолиятининг илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан чамбарчас боғланмаганлиги;

- Ўзбекистонда технологик ҳудудларнинг мустақил субъект сифатида ташкил этилганлиги ва уларнинг ривожланишига кўмак берувчи молиявий инфратузилманинг тўлақонли шакллантирилмаганлиги (жумладан, венчур фондлари).

Ушбу илмий тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистонда технопарк фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва юқорида келтирилган муаммоларнинг ечими бўла оладиган илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Ўрганилганлик даражаси

Технологик ЭИХлар, уларнинг назарий ва амалий асослари, ривожланган мамлакатларда технологик ЭИХларни ташкил этиш тажрибаси кўплаб назарий ва амалиётчи тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Аммо технопарклар, уларнинг назарий ва амалий асосларини ўрганган олимлар саноқли. Жумладан, Jarunee Wonglimpiyarat «The dynamic economic engine at Silicon Valley and US Government programmes in financing innovations» [2] номли мақоласида Силикон водийсининг ривожланиши инновацияларни молиялаштириш бўйича давлат дастурлари ва водий муваффақиятига ёрдам берувчи ўзига хос хусусиятлар/омилларга боғлиқлигини таъкидлаган. Инновацион гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, университет ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўллаб-қувватладиган инфратузилма, хавфни қабул қилишга тайёргарлик маданияти, шунингдек, венчур капитали (ВС) дастурлари салоҳияти Силикон водийсидаги иқтисодий ривожланиш учун каталлизаторлар ҳисобланишини келтириб ўтган.

Шу олим томонидан нашр этилган қатор илмий ишларда АҚШ технопарклари фаолияти, уларни ривожлантиришда молиявий инфратузилманинг ўрни кенг ва батафсил таҳлил қилинган. Jarunee Wonglimpiyarat нинг тадқиқотлари натижалари, жумладан, технопаркнинг университетлар ҳамда илмий-

тадқиқот марказлари билан алоқасини кучайтириш орқали мамлакат иқтисодий ривожланишини тезлаштириш мумкин, деган қарашлари мамлакатимизга татбиқ қилинса, ўз самарасини беради.

J.A. English-Lueckнинг «Silicon Valley reinvents the company town» [3] номли мақоласида АҚШнинг Калифорния штатидаги Силикон водийси ўзининг инновацион юқори технологияли корпорациялари билан машҳур бўлиб, маданий ихтироларни тадқиқ қилиш учун идеал лаборатория эканлиги, юқори технологиялар борасида амалга ошираётган ишлари бутун дунё миқёсида истеъдодли ва маданий жамиятни яратишга қаратилганлиги келтириб ўтилган.

Chen Linga va Barry Naughtonларнинг «An institutionalized policy-making mechanism: China's return to techno-industrial policy» номли мақоласида [4] 2003 йилда Хитойда технология ва инновацион сиёсат кескин ўзгариб, «технологик инновацион сиёсат»га қайтди ва бу муайян саноат тармоқларини шакллантириш бўйича тўғридан-тўғри давлат аралашувини ўз ичига олади, дейилган.

Ҳақиқатан ҳам, Хитойнинг худди Ўзбекистон сингари минтақадаги нуфузини оширишда технологик инновациялар муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли ҳам, Хитойнинг технологик инновацион сиёсатининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз инновацион фаолиятида ҳам қўлланилса, натижа беради, деб ўйлаймиз ҳамда илмий тадқиқотимизнинг таҳлил қисмида ушбу йўналишга кенгроқ тўхталамиз.

Ф.А. Ҳамидова ва А.А. Ядгаровларнинг «Худудлар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» [8] номли мақоласида худудларни комплекс ривожлантиришда технопаркларнинг ўрни ўрганилган ҳамда рақобатли устунликка эришиш ва худудларнинг самарадорлигини оширишда технопарклар муҳим аҳамият касб этиши тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда илмий абстракциялаш, индукция, дедукция сингари тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Шунингдек, тадқиқотни олиб бориш-

да Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудлар ҳамда технопаркларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва «Яшнобод» технопаркининг амалий маълумотларига таянилди.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий мамлакатлар технологик ЭИҲларнинг тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда ташкил этилаётган технопарклар фаолиятини ривожлантиришда муҳим амалий асос бўлиб хизмат қилади. Шулардан бири Хитойнинг технопаркларни ташкил этиш ва улар орқали мамлакатда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш тажрибасидир.

«Бир мамлакат – икки тизим» расмий сиёсатининг яққол намоён бўлишини таъминлайдиган Хитой технопарклари бошқа мамлакатлар технология паркларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- одатда, саноат зоналари ташқарисида ва йирик илмий ҳамда муҳандислик марказлари атрофида жойлашади;

- парклар улар жойлашган ҳудуд ёки шаҳарга яхши мослашган ва маҳаллий маъмурият билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

- Давлат қатъий сиёсий раҳбарлик ва молиявий кўмак беради, шунингдек, хорижий сармоядорларни жалб этадиган паркларни бошқариш, солиқ имтиёзлари ва бошқа қулайликлар билан таъминлайди.

Хитой юқори технологияларга алоҳида қизиқиш билдираётган ва вазиятга зудлик билан жавоб берадиган мамлакатлардан биридир. Хитой технопаркларида электрон техника, янги материаллар ва электр энергия манбалари ишлаб чиқариш, шунингдек, биотехнология, фото ва электротехника, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишлари нисбатан афзалликларга эга бўлиб, улар мамлакатда янги ва юқори технологияларни ривожлантиришда муҳим марказларга айланди. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрига кўра, мазкур зоналар саноат тузилмаларини инobatга олган ҳолда, ХХР иқтисодиётини янада оптималлаштириш ва қайта ташкил этишда тобора фаол роль ўйнайди.

Хитойда технопарклар ғоясини амалиётга татбиқ этишнинг илк намунаси 1995 йилда Шенжен шаҳрида юқори технологиялар паркинни яратиш билан бошланди.

Шенжен технопарки Америка тажрибасидан кескин фарқ қилиб, янги намунадаги технопарклар авлодини бошлаб беради. Хитойнинг етакчи олий ўқув юртлари (масалан, Пекин университети), таниқли компаниялар ва фирмалар (масалан, TCL LCD, Epson, Thompson, Shenzhen Yuwei Information and Technology Development ва бошқалар) технопаркда ўз ваколатхоналарини очган, шунингдек, катта кутубхона, банк, венчур фондлари ва суғурта ташкилотлари ҳам фаолият олиб боради. Умуман олганда, бу ерда 40 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда, 8 мингта иш ўринлари яратилган. Бундан ташқари, технологик парк Хитой Фанлар академиясининг илмий-техникавий ёрдамчиси ҳам қабул қилади.

Технопаркларда миллий ва қўшма корхоналар учун махсус имтиёзлар бериш шарти уларнинг юқори технологияли корхона мақомини олишидир. Юқори технологияли корхоналар учун даромад солиғи ставкаси 15 фоизни ташкил этади, шу жумладан, маҳсулотларни камида 70 фоизга етказиб берадиган корхоналар учун 10 фоизли имтиёзлар тақдим этилади. Шунингдек, «солиқ таътиллар» ҳам инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг муҳим дастакларидан биридир. Бундай имтиёзлар миллий корхоналар учун бир йил, қўшма корхона учун икки йил муддатни ташкил этади.

Келажакда компания ўз маҳсулотининг 70 фоизидан кўпрогини экспорт қиладиган бўлса, солиқ имтиёзларига эга бўлади.

Юқори имтиёзлар тизими натижасида қисқа вақт ичида хорижий инвестициялар жалб этилиб, технопаркнинг зарур инфратузилмаси яратилди, илмий-тадқиқот муассасалари ва хорижий техник парклар билан алоқалар тизими ташкил этилди. Янги материаллар ва биотехнология саноати учун минтақавий марказ яратилди [5].

Хитойнинг «Силикон водийси»га айланган ушбу ҳудуд бугунги кунга келиб жаҳон электроника маҳсулотларининг 90 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Хулоса ва тақлифлар

Аммо мамлакатимизда технопарклар фаолиятига бундай таъриф бериб бўлмайди. Бунга асосий сабаб:

- Хитой тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, технопарклар ёки технологик

ЭИХларда, асосан, инновацион маҳсулот ва хизматларни экспорт қилувчи компаниялар жойлашади, бироқ бизда ушбу компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аксарият қисми миллий бозорда импорт ўрнини босувчи товарлар ҳисобланади;

- технопаркда рўйхатдан ўтган компаниялар хорижий инвестициялар иштирокидаги ёки ўз миллий маблағи ҳисобидан шакллантирилган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Шу сабабли инновацияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниши бир қатор мураккабликлар ва молиявий муаммоларни келтириб чиқаради;

- ҳудудда рўйхатдан ўтган венчур ва инвестицион фондларнинг мавжуд эмаслиги. Бундай фондлар инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг асосий дастаги саналади. Афсуски, мамлакатимизда 9 та инвестицион фонд мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам қониқарли эмас. Мамлакатимизда венчур фондларининг ҳуқуқий асослари яратилмаганлиги сабабли бундай фондлар фаолияти ҳали йўлга қўйилмаган. Назарий асослардан бизга маълумки, технопарклар венчур фондларисиз ривожлана олмайди. Бу икки инновацион инфратузилма параллел ҳолда бир-бирини тўлдириб, инновацион иқтисодиётни ривожлантиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, муаммоларни ечишда қуйидаги кўп босқичли дастурни тақлиф этамиз. Ушбу дастур ПЗ-20170926480 «Эркин иқтисодий ҳудудлар базасида венчур молиялаштириш тизимининг институционал механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш (хориж тажрибаси асосида)» илмий-амалий лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикасининг «Венчур тадбиркорлиги ва венчур фондларини ташкил этиш тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш лозим. Унга мувофиқ, қуйидагиларни бандлар сифатида киритиш мумкин:

- венчур компаниялари венчур молиялаштиришни амалга оширишга йўналтирилган юридик шахслар;

- венчур компаниялари ва фондларининг камида 51 фоизи таъсисчи ёки таъсисчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

- венчур компаниялари ва фондлари умумий маблағининг 10 фоизидан ошмаган миқдорини фақатгина бир лойиҳага йўналтириши мумкин.

Венчур шартномаларини молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- венчур фаолияти субъектлари маблағлари;
- акциядорлик жамиятлари томонидан жалб қилинган маблағлар;
- ушбу мақсадлар учун тегишли бюджетлар томонидан тақдим этиладиган республика бюджети ёки маҳаллий бюджетлар маблағлари;
- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, венчур капитали фаолиятига жалб этилган давлат ташкилотлари;
- хорижий инвесторлар;
- халқаро молиявий ташкилот ва жамғармалар;
- жисмоний шахсларнинг шахсий жамғармалари.

Давлат илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, ишлаб чиқаришда уларнинг қўлланилишини ҳисобга олиб, амалий илмий-тадқиқот ишларини татбиқ қилишда устувор молиялаштиришни таъминлайди.

Дастурларни молиялаштириш манфаатдор томонларнинг иштирокида қайтариладиган асосда амалга оширилади.

Технологик парклар ҳукумат томонидан ташкил этилган, ахборот технологиялари ҳамда инновацион ғояларни амалиётга жорий этишга йўналтирилган юридик шахсдир.

Иккинчи босқич, Ўзбекистонда венчур фондлари ҳамда венчур компанияларини ташкил этиш лозим. Хориж тажрибасида технополислар ҳамда технопаркларнинг таркибий қисми ҳисобланган ушбу фаолият тури юқори хавф остида инновацион ишланмалар ҳамда технологик янгиликлар яратилишини молиялаштириш мақсадида ишлатилади. Иқтисодиёт тарихида илк венчур фондлар давлат томонидан молиялаштириладиган жамғармалар сифатида ташкил этилган. Чунки молиялаштирилаётган инновациянинг ишлаб чиқариш жараёнида самара бериши ёки бермаслиги юқори даражадаги хавф ҳисобланади. Инновацион ишланма самара бермаган шароитда венчур молиячи фойда олмайди, лекин аксин-

ча бўлганда, катта фойда кўриши мумкин ва давлат ҳам иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадида (катта хавф даражасини ҳам башорат қилган ҳолда) инновацион ишланмаларни молиялаштиради. Юқори хавф даражаси сабабли венчур фондлар давлат ва йирик трансиллий компаниялар томонидан ташкил этилади.

Шунингдек, ушбу босқичда мамлакатимиз ЭИҲлар базасида Фанлар академияси ва Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда венчур молиялаштириш тизимини шакллантириш зарур. Унга мувофиқ, давлат венчур фонди тузилади ҳамда ЭИҲ қошидаги технопаркда Фанлар академияси, Олий таълим муассасалари томонидан яратилган ишланма ва ғоялар венчур фонди томонидан молиялаштирилади.

Ушбу фондлар яратилиши иқтисодиётда:

- инновацион ишланмаларнинг ҳаётийлик даврини қисқартиради;
- мамлакатимиз сингари ривожланаётган мамлакатлар ЯИМда инновацион маҳсулотлар ҳамда хизматлар улушининг ошишида муҳим аҳамият касб этади;
- «Made in Uzbekistan» бренди остида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошади;
- энг муҳими, илмий тадқиқот-ишлаб чиқариш-жамғармаларнинг (аҳоли ва давлат жамғармаларининг) боғлиқликда фаолият олиб боришини таъминлайди.

Учинчи босқич, технопаркларни ЭИҲлар базасидан чиқариш ҳамда имтиёзлар асосида венчур фондларини ташкил этиш. Венчур фондларини ташкил этишда акциядорлик жамияти сифатида хорижий корхона ҳамда давлат маблағлари жалб қилиниши мумкин.

Технопарк инновацион маҳсулот ишлаб чиқармас ва уни экспортга йўналтирмас экан, унинг бошқа ЭИҲлардан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Келгусида мамлакатимизнинг инновацион индексдаги рейтингини ошириш, ЯИМ таркибида илмий-техник тадқиқотлар улушини кўтариш жаҳон стандартларига жавоб берадиган технопарк ҳамда технопарклар фаолиятини ривожлантиришда венчур фондлари ва компаниялари муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Манба ва адабиётлар

1. <http://kun.uz/17422608>
2. Jarunee Wonglimpiyarat. *The dynamic economic engine at Silicon Valley and US Government programmes in financing innovations.* <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0166497205001215>
3. English-Lueck J.A. *Silicon Valley reinvents the company town* <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0016328700000264>
4. Chen, Ling & Naughton, Barry, 2016. «An institutionalized policy-making mechanism: China's return to techno-industrial policy» *Research Policy, Elsevier, vol. 45(10), – pp. 2138-2152.*
5. Мазур А.А., Стогний В.С., Осадчая Н.В. *Технопарки Китая.* // *Наука и инновации.* № 3. – 2006. – С.127-134.
6. <https://yaran.uz/tehnopark/>
7. <http://mininnovation.uz/ru/news/tehnopark-jashnabad-predstavil-11-rezidentov-v-ramkah-innoweek-2018>
8. Хамидова Ф.А., Ядгаров А.А. *Худудлар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришининг устувор йўналишлари.* // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. № 3. – июнь, 2017 йил.

Таҳризчи:

Б.Беркинов, и.ф.д., проф., Тошкент давлат иқтисодиёт университети